ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ:

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

18 (348)

2003 йил 7 май

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

127 - кун

2
- «Чўли ироқ» Ватанни эслатарди...
- Собиқ жангчи - маҳалла фаоли.

3
- Балиқларни ким ўғирлаганди?
- «...Мўлжалга душман самолётини олгандим...»

4
- Ҳисобли қўшни айрилмас(ми?)!
- Йўл қоидаси - унга амал қилиш учун тузилган!

КУЧ БИЛИМ ВА МАЪРИФАТДА

Тошкентда Халқаро Вестминстер университети очилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 январдаги қарорига биноан мамлакатимиз Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси, Ташқи ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Британия Кенгаши ва Вестминстер университети (Буюк Британия) ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети ташкил этилган эди.6 май куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов мазкур университетга ташриф буюриб, унинг очилишига бағишланган тантанали маросимда қатнашди.

Янги олий ўқув юртининг рамзий тасмаси Президент Ислом Каримов ва Вестминстер университети ректори доктор Жеффри Копланд иштирокида қирқилди.

Меҳмонлар замонавий услубда жиҳозланган кенг ва ёруғ аудиториялар, ахборот-ресурс маркази, кутубхона, компьютер, маданият ва маърифат хоналарини кўздан кечирди.

Университетнинг конференциялар залида бўлиб ўтган тантанали йиғилишни Халқаро Вестминстер университети ректори Абдужаббор Абдувоҳидов очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

- Аввало, барчангизни мамлакатимиз ҳаётидаги бугунги унутилмас ва ҳаяжонли воқеа - гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетининг тантанали очилиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман, - деди давлатимиз раҳбари. - Бугун биз юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этмоқдамиз. Ривожланган эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига амал қиладиган, одамлар ҳаётини юксак даражага кўтариш имконини берадиган демократик тизимнинг умумэътироф этилган халқаро мезонларига эришиш учун астойдил меҳнат қилмоқдамиз.

Шу ўринда мен жаҳон тажрибасида ўз тасдиғини топган бир ҳақиқатни айтиб ўтишни жоиз, деб биламан. Ҳаммамизга маълумки, илгари бирон-бир мамлакатнинг тараққиёти ва қучқудратини ифодалаш ва баҳолаш учун унинг мавжуд бўлган табиий бойликлари ва иқтисодий салоҳияти ҳақида сўз юритар эдик. Бугунги кунда дунё ривожланишнинг шундай босқичига қадам қўйдики, энди ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат имкониятларининг ҳал қилувчи белгиси - бу билим ва маърифат, инсонларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти десак, ҳеч қандай хато бўлмайди, деди Юртбошимиз.

Дарҳақиқат, бизнинг бундай ўта муҳим омилни ҳисобга олмасликка ҳаққимиз йўқ. Чунки ўз олдимизга қўйган юксак вазифа ва марраларга эришишда замонавий билим ва тажриба соҳиби бўлган, янгича фикрлайдиган ёшларимиз бизнинг асосий таянчимиз ва суянчиқиздир, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Олдимизда турган буюк вазифаларни ечишнинг асосий омили, уларни ҳал қилишнинг ягона шарти - том маънодаги баркамол шахсни, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Юртимизнинг ёруғ келажагини, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан фаровон яшашини таъминлашга қаратилган бу вазифани адо этиш - барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Шу маънода, Ислом Каримов, 1997 йили мамлакатимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури замирида ҳам таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни халқаро талаб ва андозаларга мослаштириш, ёш авлодни чуқур билимли, фикр доираси кенг, профессионал кўникмаларга эга бўлган инсонлар этиб тарбиялаш мақсади мужассам эканини эслатиб ўтди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун Ватанимизга нафақат юқори малакали мутахассислар, балки, умумбашарий мерос ва қадриятларни замонавий билим ва тафаккур билан бойитишга қодир, ҳуқуқий-демократик жамиятда одамларнинг озод ва эркин яшашини, мустақил фикр юритиб, ҳар томонлама асосланган қарорлар қабул қилишини ҳаётий зарурат, деб биладиган баркамол ёшлар керак.

Ҳозирги кунда ер юзида интеграция ва глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб, ҳаётнинг барча жабҳаларини, биринчи галда таълим соҳасини кенг қамраб олаётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Чунки бизнинг давримизда том маънодаги маърифат эгаси бўлиш учун фақат ўз юрти, ўз мамлакатида олган билим ва маълумотлар билан чекланиб қолиш етарли эмас.

Ҳеч шубҳасиз, жаҳон илм-фани ва маданияти хазинасининг ноёб бойликлари таълим тизимига қанчалик чуқур татбиқ этилса, инсон шунчалик теран билимга эга бўлади. Буни ўтмишда ҳам, ҳозирги пайтда ҳам кўп-кўп мисолларда кўришимиз мумкин.

Шунинг учун ҳозир Ўзбекистонда таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари, жумладан, интернет тармоғидан кенг фойдаланиш ва уларни ривожлантириш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Табиийки, бундай технологиялар ёшларимизнинг жаҳон ахборот тизимига очиқ ва кенг миқёсда кириб бориши, уларнинг ақл-заковат ва профессионал жиҳатдан ўсиши учун беқиёс имкониятлар яратади.

Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи ёш мутахассислар, айниқса, олий ўқув юртларини битириб чиқаётган йигит-қизлардан жаҳон андозалари, юксак илм-фан ютуқлари асосида яратилган замонавий техника ва технологияларни, иш услубларини ўзлаштиришни, ўз фаолиятида илғор компьютер ва ахборот тизими воситаларидан самарали фойдалана билишни талаб қилади. Бундай вазифа ва фаолият қирраларини забт этиш, аввало, хорижий тилларни мукаммал эгаллашни тақозо этади.

Шу боис биз Тошкентда янги олий таълим даргоҳи - Халқаро Вестминстер университетининг очилишини юқорида зикр этилган барча мақсадларимизга эришиш йўлида қўйилган ўта муҳим қадам, деб биламиз, - деди Ислом Каримов.

Ёшларимизнинг инглиз тилида тақсил олиши орқали шу тилда сўзлашувчи мамлакатларда, авваламбор, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатларида таълим соҳасида эришилган юксак даражага чиқиш биз учун айниқса катта аҳамиятга молик.

Энг муҳими, биз бу орқали ўқув жараёнига Вестминстер университети каби жаҳоннинг етакчи олий ўқув юртларида мавжуд бўлган таълим дастурлари ва андозаларини жорий этиш имконига эга бўламиз.

Ислом Каримов университет талабаларига бундай деди:

- Бугун сизлар она диёримиз Ўзбекистонда янги очилган Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг илк талабалари бўлишдек олий бахтга муяссар бўлиб турибсиз.

Мана шу ҳаяжонли лаҳзаларда барча устоз-мураббийларингиз, меҳрибон ота-оналарингиз қаторида мен ҳам сизларнинг дунёдаги энг қадимий университетларидан бирида таълим ва тақсил олишингизни, унинг асрлар оша яшаб келаётган руҳи ва анъаналаридан баҳраманд бўлишингизни, чеҳраларингизда билим ва маърифатга сўнмас қизиқиш ва интилишлар акс этиб турганини кўриб, қалбим беихтиёр қувончга тўлмоқда.

Шуни унутмангки, сизларнинг билимли, доно, кучли ва албатта бахтли бўлишингиз учун давлатимиз, халқимиз ҳеч қачон ҳеч нарсани аямайди.

Азим пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган, юз йиллан зиёд тарихга, ўзига хос маданий ва меъморий аҳамиятга молик бўлган муҳташам бинонинг тубдан қайта таъмирланиб, ёшлар ихтиёрига берилгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбари биз бугун дунёдаги барча халқлар билан ҳамқадам бўлиб яшашга интилар эканмиз, айни пайтда юртимиз ёшлари қадимий илдизларимизни, аждодларимизнинг ким эканини, улар жаҳон цивилизацияси тараққиётига қандай бебаҳо ҳисса қўшганини асло эсдан чиқармаслиги лозимлигини таъкидлади.

Ўлмас ва ноёб асарлари билан башарият илм-фани ва маданияти тарихидан муносиб ўрин олган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби мутафаккир зотлар бизнинг буюк аждодларимиз экани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шу билан бирга, биз ана шу беқиёс маънавиятимизнинг инсоний қўлга киритган илғор билим ва тажрибалар билан уйғун ҳолда ривож топишини истаймиз. Ва айнан ана шундай қараш, ана шундай ёндашув бизнинг олға боришимизда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилажак.

Ислом Каримов Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш ишига ўз ҳиссасини қўшган барча инсонларга, энг аввало Британия Кенгаши директори жаноб Девин Грингга, Вестминстер университети ректори доктор Жеффри Копланд жанобларига, университет Бошқарувчилари кенгаши аъзоларига ўзининг ҳурматэҳтироми ва ташаккурини изҳор этди. Ўз ҳаётини ёшларга замонавий таълим ва тарбия беришдек олижаноб мақсадга бағишлаган, Вестминстер университети ҳақли равишда фахрланса арзийдиган барча профессор ва ўқитувчиларга чуқур миннатдорлик билдирди.

Ишончим комилки, Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг очилиши билан Ватанимиз тарихида янги бир саҳифа очилади ва бу қадимий, айни пайтда навқирон университетнинг истиқболи албатта ёруғ бўлади, - деди Президент.

Мамлакатимиз раҳбари бундай нуфузли олий ўқув юртининг талабаси бўлиш осон кечмагани, кириш имтиҳонлари ва танлов нечоғлиқ юқори талаблар асосида ўтказилгани яхши маълум эканлигини таъкидлади. Лекин, шунга қарамасдан, бугуннинг ўзидаёқ шу нарса равшан бўлмоқдаки, бу олий илм даргоҳида таълим олишга интиладиган ёшларнинг сафи йилдан-йилга ортиб бораверади.

Ислом Каримов келгусида Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг салоҳияти янада мустаҳкамланиб, имкониятлари кенгайишига, унинг номи Ўзбекистон чегарасидан ошиб, катта шуҳрат ва эътибор қозонишига қатъий ишонч билдирди.

Юртбошимиз сўзининг охирида бундай салобатли ва муҳташам илм кошонасини қисқа муддатда обод қилиб, ёшларга тақдим этган қўли гул, бунёдкор инсонларга, бу хайрли ишда қатнашган барча юртдошларимизга миннатдорлик билдирди, университет талаба ва ўқитувчиларига муваффақиятлар тилади.

Ж.Копланд ўз сўзида Ўзбекистон раҳбарининг саъй-ҳаракатлари ва ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигининг самараси бўлмиш мазкур университет очилишини янги, жасоратли ташаббус, деб атади.

Буюк Британияда Қиролича Елизавета Иккинчи Вестминстер университетининг олий раҳбари ҳисобланади. Ж.Копланд Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетининг олий раҳбари бўлгани мазкур ўқув даргоҳи ўқитувчи ва талабалари учун катта шараф эканлигини таъкидлади ва мамлакатимиз раҳбарига ушбу илм масканининг рамзи бўлмиш махсус асони тақдим этди.

Маросимда сўзга чиққан «Умид» жамғармаси йўлланмаси бўйича Буюк Британияда таҳсил олган, айни пайтда Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетида иқтисод фанидан дарс бераётган Умид Алиев, талаба Равшан Собиров мазкур университетда ўқиш, ишлаш бахт ва ўзларига билдирилган катта ишонч эканлигини таъкидлади. Мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос таълим олиш имкониятини яратиш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётгани учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Ота-оналар номидан сўзга чиққан Зумрадхон Матназарова бу ерда таълим оладиган ёшлар шундай эътиборга муносиб бўлишлари лозимлигини таъкидлади.

Мазкур университетда бизнес, иқтисодиёт, ахборот технологиялари ва ҳуқуқ бўйича таълим берилади. Дастлабки кириш имтиҳонларида 817 йигит-қиз қатнашиб, уларнинг 212 нафари талаба бўлди.

Тантанали тадбир якунида Ислом Каримов университетнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Университетнинг очилиш маросимида қатор Европа давлатлари элчихоналари, БМТ, ЕТТБ, Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

(ЎзА)

● 9 май—Хотира ва қадрлаш куни

ЖАНГДАН СЎНГ МАҲАЛЛАДА

Тинчлик бу инсонга яшаш имкониятининг биринчи шарти. Эътибор берсангиз уруш даҳшатларини кўрган қарияларимиз фотиҳага қўл очишса энг аввало ва энг кўп марта "Юртимиз тинч бўлсин!" деган иборани айтадилар.

1941 йил билан 1945 йил оралиғи инсоният тарихида мудҳиш воқеликни из қилиб қолдирди. Бу даврдан қанчалик узоқлашаётган бўлмасин қалблардан унинг жароҳати изсиз йўқолиб кетаётгани йўқ, балки бу уруш воқеилигига бериладиган баҳо теранлашиб, янада аниқлашиб бораяпти. Шу нуқтаи назардан ўтган вақт иккинчи жаҳон уруши деб ном олган бу фожеада Ўзбекистоннинг, унинг халқининг иштироки, талофати, жароҳати даражасини янада ёрқинлаштириб боради.

Жангларда қурбон бўлган юртдошларимиз Ватан учун, юрт учун катта йўқотиш эди. Жангдардан омон қайтган юртдошларимизнинг кейинги ҳаёти ва фаолият йўли эса юрт ҳамда халқ фаровонлиги учун фидойилик намунаси бўлди.

Уруш талофати, айниқса, Ўзбекистонда уруш туфайли юзага келган иқтисодий қийинчиликни бартараф этиш ҳам жанглардан жароҳат билан, ҳеч бўлмаса қалб жароҳати билан қайтганлар зиммасига тушди. Улар жамиятимизнинг турли жабҳаларида сочилиб меҳнат қилишди ва шубҳасиз жанг берган руҳда - одамларнинг олдида юриб эргаштириш руҳида меҳнат қилишди. Элни эргаштириш. Бундай фаолият йўли айниқса, ҳаётда жамоат бўлиб яшашга кўпроқ мойил бўлган юртдошларимизга хос эди. Бизда маҳалла-кўй, деган тушунча бор эди. Ғарчан собиқ тузум даврида маҳалла фаолияти деярли чеклаб қўйилган бўлса-да, унинг шакли халқ ичида яшади. Унинг яшашида, айниқса, мустақиллик берган эрк туфайли ижтимоий йўналиш касб эта боришида уруш қатнашчиларининг муносиб ўрни бор. Улар орасида маҳаллаларга кўп йиллар бош-қош бўлган оқсоқоллар, маҳалла фаоллари, мустақиллик йилларида юзага келган "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари ишида бош-қош бўлиб келаётганлар бор.

Усмон Абдуллаев ҳақида газетамизда яқинда мақола ёритилди. У урушдан сўнг ўқитувчилик қилди. 43 йилдан буён эса Тошкентдаги Дўмбиробод маҳалласида оқсоқол. Уни ҳақиқий маънода маҳалла фидойиси деса бўлади.

Қорақалпоғистон заминида минглаб эр-йигитлар жангга сафарбар этилди. Улар орасида 1922 йилда Кегейли туманида туғилган Жомурат Қутлимуродов ҳам бор эди. Урушдаги жасоратлари туфайли унинг кўксига тақилган орден-медаллар анчагина. Тинч меҳнат давомида эса олим сифатида эл-юрт хизматида бўлди. Энг муҳими кексайганда маҳалла фаоли бўлиб бугунгача маҳалладошлар корига ярамоқда.

Роби Фозилов жангга кирганда 18 ёшда эди. Жанг беомон, аммо уни тақдир сийлаб, жангдан Бухорога омон қайтди. У туман, вилоят миқёсидаги ижтимоий ҳаётда фаол қатнашди. Мутахассис, раҳбар сифатидаги меҳнатлари билан урушдан кейинги тикланиш, ўнгланиш жараёнида энг фаоллардан бўлди. Мустақиллик йиллари бошидан фаолиятини "Нуроний" жамғармасида давом эттирди. 1996 йилдан буён эса "Маҳалла" жамғармаси Бухоро шаҳар бўлинмаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Мустақиллик йилларидаги унинг фаолияти "Шуҳрат" медали билан тақдирланишига сабаб бўлди.

Тўра Жўраев Бухоро тупроғидан урушга жўнатилганида 5 йилдан кўпроқ қон кечиб, омон қайтишига ўзи ҳам ишонмаганди. Аммо Бухоро алломалари руҳи қўллаб, у омон қайтди ва 40 йил ўқитувчилик қилди. Шофирконнинг Саволлиқ маҳалласида кўп йиллар оқсоқоллик қилди.

Низом ота Сувонқуловни мамлакатимизда маҳалла тизимининг энг фаол жонкуярларидан деб билишади. У иккинчи жаҳон урушидан сўнг Жиззахда ўқитувчи бўлиб ишлади, Жиззах туманининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган масъулиятли вазифаларда фаол меҳнат қилди. Унинг назарида умрининг энг сермазмун даври мустақиллик йиллари билан боғлиқ бўлди. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Жиззах шаҳридаги А.Навоий номли маҳаллага ўн йил давомида оқсоқоллик қилди. Бугун эса шу маҳаллада "Нуроний" жамғармаси жамоатчилик маркази раиси. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармасининг "Энг ибратли маҳалла оқсоқоли" кўрик-танлови голиби бўлган.

Сурхондарё вилояти маҳаллалари равнақида ҳам иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ўз тутган ўрни бор. Ангор тумани Қорабоғ маҳалласида умргузаронлик қилаётган Чори бобо Холмуродов ўз маҳалласи учун ҳалигача куч-қудратини аямайди. Шу боисдан уни маҳалла аҳли маҳалла ободонлаштириш комиссияси раиси этиб сайлаб ҳам қўйишди. Унинг урушдан кейин хўжаликда ҳисобчи, раис лавозимларида ишлагани ҳам бу фаолиятда қўл келаётгани рост. Энг муҳими, у маҳалладошлар кўнглини топиб, уларни ободонлаштириш ишларига жалб этишни биларди.

Ҳабиб ота Файзуллаевни Қаршида кўпчилик яхши танийди. У урушдан сўнг ҳам ҳарбийда ва вилоят ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этди. Шаҳарлаги Чақар маҳалласи оқсоқоли сифатида кўп йиллар фаолиятда бўлди. Бугун ҳам маҳалладошлари учун имкон қадар камарбаста.

2,3-саҳифаларда

Обуна-2003

-Яна нима дейди?
-Иккинчи ярим йилликка обуна бошланибди,дейди!
-Биз йиллик обуна бўлганмиз, деб айт!

Муносабат

ОҚСОҚОЛ ИХТИРОСИ АМАЛДА

Хабарингиз бўлса, газетамизнинг 23 апрель сонида "Қалмон отанинг ихтироси" сарлавҳали мақола босилган эди. Тошкент вилояти "Бошкоммунгаз" РДК ва "Ўзтехгаз" Давлат шўъба корхонаси таркибидаги Техник Кенгаш аъзолари ўз йиғилишида Чиноз тумани Ёввош маҳалласи оқсоқоли яратган ихтиро—полиэтилен материалидан ишланган 2 хил турдаги "Қулф-пломба"ни қўллаш ва унинг техник кўрсаткичлари ҳамда ишлаб чиқишга тадбиқ этишда келиб чиқадиган иқтисодий самарадорлиги таъкидланди. Фикр-мулоҳазалар тингланиб Ёввош маҳалласи оқсоқоли Қалмон ЭРГАШЕВ таклиф қилган "Қулф-пломба"ни ишлаб чиқариш ва амалда қўллаш ҳақида Техник Кенгаш қарор қилди. Уни амалда қўллаш учун вилоятлардан буюртмалар қабул қилинадиган бўлди.

ЧАРЛЬЗ ВА ИСКАНДАР

Америкалик ва боғотлик уруш қатнашчилари кутилмаганда Боготда юз кўришдилар

Ўтган йил куз ойлари. Ўзбекистонга ташриф буюрган америкалик меҳмонлар йўл-йўлакай Боғот туманидаги машҳур «Боғот» ширкат хўжалигига ҳам келишди. Улар «Инсон-инсонга» ташкилотининг аъзолари экан. Америкада 1956 йилдан буён фаолият юритаётган бу ташкилотнинг асосий мақсади ер юзидаги инсонлар ўртасида тинчлик, дўстлик, маданий алоқаларни қарор топтиришдан иборат.

Меҳмонлар хўжалик музейига ташриф буюрдилар. Гуруҳ раҳбари жаноб Чарльз Б.Хостлер бу ердаги экспонатларни кўздан кечираётиб бир фотосурат олдида тўхтаб қолди. - Мен шу одамни қаердадир кўрганман, - деди у. Суратда акс этган эгаси Искандар отани меҳмонга рўбарў қилдилар. Тасодифни қаранг-ки, Чарльз билан Искандар иккинчи жаҳон уруши ғалабаси арафасида Эльба дарёси соҳилида учрашган эканлар. Энди эса... Энди Аму соҳилида яна учрашиб туришибди!

Ҳаяжонли дамлар. Икки дўст бир-бири билан қучоқлашиб кўришдилар. Уруш даҳшатларини эслашди.

Тоғ тоғ билан учрашмаса-да, инсон инсон билан учрашади, деганлари рост экан. Икки қадрдон дўстнинг эллик беш йиллан кейинги учрашуви америкалик меҳмонларни ҳам, боғотлик мезбонларни ҳам ҳаяжонга солди ўша куни.

Қодир МАТЧОНОВ

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлигида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25. Масъул котиб: 136-53-75 Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

9 май — Хотира ва

● Ота ибрати

Отамнинг айни йигитлик чоғлари иккинчи жаҳон уруши пайтига тўғри келган. Урушдан ярадор бўлиб қайтса-да, тинч қурилиш йилларида пахтачилик, пиллачилик ва қурилиш бригадаларига етакчилик қилди. Шу билан бирга узоқ йил Бўстон маҳалласига бошчилик қилиб, хайрли ишларга бош-қош бўлди. Ёшлар учун замонавий мактаб, маданий-маиший бинолар унинг елиб-югуриши билан қад ростлади.

ФАХРЛАНАМАН

- Айниқса, 18-ўрта мактаб қурилишида Омонбой отанинг ҳиссаси катта бўлган, - деб хотирлайди, мактабнинг собиқ директори ҳозирда Одинахон Ҳамдамова, - у тегишли ёрдам ва маблағни ундирмагунча қўймайдиган, давлат идоралари, мансабдорларнинг тинчини бузишдан ҳайиқмайдиган, чўрткесар оқсоқол эди. Шу сабабли ҳам мактаб қурилиши юқори ташкилотларнинг режасига киритилиб тез кунда қуриб битказилди. Мактаб учун керакли жиҳозлар олинди. Маҳалла аҳли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Отам оиласида ҳам бахт топганлардан эди. У онам билан иноқ яшаб 6 нафар фарзандни маълумотли, уй-жойли, эл корига ярайдиган ҳалол инсонлар қилиб тарбиялади. 25 набира, 11 нафар чевара кўрди. У 82 йил умр кўриб ўтган йили вафот этди.

Отам билан фронтда қуроллош, урушдан кейинги даврда бирга ишлаб сафдош бўлган Холхўжа ота Ғозиевнинг: Омонбой Мамажонов яхшиликка, эзгуликка бой инсон эди, у билан фарзандлари ҳар қанча фахрланса арзийди, деган дил сўзлари ёқимли қўшиқдек жаранглаб, бизни отамиздек чин инсон бўлишга доимо ундаб туради.

Каримахон МАМАЖОНОВА,
Избоскан туманидаги 45-мактаб ўқитувчиси.
Бўстон маҳалласи.

ОТАМГА ЎХШАШНИ ИСТАЙМАН

Болалигимдан отам менга ҳеч ким билан уришмасликни, ҳеч қачон бировни ҳафа қилмаслик кераклигини қайта-қайта қулоғимга қуярди. Насиҳат қиларкан, отам Афғонистондаги уриш воқеаларини эслаб кетарди.

Отам Хотам Холов собиқ совет тузумининг нотўғри сиёсати туфайли бошқа ҳамюртларимиз сингари харбий хизматни Афғонистон уруш ўчоқларида ўташ учун олиб кетилган. Ўшанда қанчаданқанча бегуноҳ Афғон халқининг қони тўкилганлигини кўриб, гапирадилар.

Бир куни отамларнинг ротасидан ажралиб қолган ўн кишидан иборат кичик бир қисм озиқ-овқат учун марказга жўнайди. Эрталабгача қайтмагач отамнинг двезияси уларни марказдан излашса йўлда ўн нафар сафдошларининг ҳаммаси қонга бўялган ҳолда топилади. Уларнинг кийимлари ваҳшиёна ечиб олинган ва отиб ташланган экан. Ўшанда бу шаҳидларнинг ўлими оиласига, фарзандларига қанчалик оғирлигини ҳис қилган отамнинг душманга нисбатан қасос ўти янада кучаяди.

Отам уруш билан юзма-юз бўлиб ўз сафдошларини ҳимоя қилади. Мардонавор курашади.

Урушдан қайтгач кўрсатган жасоратлари учун отам бир неча орденлар билан тақдирланди. Ҳозирги кунда Сариосиё тумани Дашнобод қишлоқ Бодамзор маҳалласи фуқаролари кенгаши аъзоси, якка тартибда фермер - хўжалик раҳбари. Маҳалладошларимиз отам билан фахрланишади.

Актам ХОЛОВ
Хотам ўғли.

ЖАНГЧИ ҲАСРАТИ

Даҳшат суронлари тутар оламни,
Қора тутунларга тўлади осмон...
- Севгилим, қайтаман асра боламни,
Севгилим, мен омон қайтаман ишон!

Гранат илмоғи тортилса бирдан,
Кўксингдаги темир совут беҳуда...
- Болажон, сен бахтли яшайсан ўктам!
- Болам дер: «Йиғлагим келяпти жуда!»

Танклар залворидан оғир юраклар,
Замбарак ўқидай кучли муҳаббат.
Тутунлар ичида қолган тилаклар,
Қуритган кўзларнинг ёшин қора хат.

Қора бўёқларга кўмиб турмушни,
Оқади шаҳидлар қоп-қора қони...
-Бобожон, гапириб беринг урушни,
-Болажон, эслатма, қурисин номи!

Жўрабек РАМАЗОНОВ.
Сурхондарё.

"МАҲАЛЛАГА НАФИМ ТЕГСА ДЕЙМАН"

-дейди иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, шоир Назармат

2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилинганини эшитган шоир, таржимон, жамоат арбоби Назармат ўша куниёқ ўзи яшайдиган Шайхонтоҳур туманидаги Илғор маҳалласи идорасига йўл олди. Ҳурматли маҳалладошларининг ҳар бир қадам ранжидалари ҳамиша эзгулик, янги ташаббус, маслаҳат билан боғлиқ бўлишига ўрганиб қолган раис Аҳмаджон Зокиров уни жуда илиқ кутиб олди.

Маҳаллага иши тушган фуқаролардан қўли бўшаган Аҳмаджон Назармат аканинг ёнига ўтиб ўтирар экан, у одатига кўра мақсадга кўча қолди.

- Одам яшаш, бахтга эришишни ўйлаб умргузаронлик қилади. Биз кекса зиёлилар ҳам одамларга нафимиз тегса, маҳаллада изимиз қолса дегандим. Айниқса, Президентимизнинг иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига қилган илтифоти, моддий армуғони ғайратлантириб юборди. Биласиз, камина ҳам уруш қатнашчисиман.

Аҳмаджон Хотира ва қадрлаш йили муносабати билан ёши саксондан ошган Назармат аканинг ҳаёт йўлини ўрганган эди.

...Уруш бошланганда Назармат Эгамназаров Самарқанд Давлат Университетининг филология факультетини тамомлаётган эди. 30 июнда университетни тамомловчиларга бағишланган тантанали йиғилишда Университет ректори Азиз Валиев, талабаларни имтиҳонларни муваффақиятли топширганликлари билан табриклаб, эндиликда уларнинг жойлари жанг майдонлари эканлигини, қаламни қиличга, билимни найзага айлантириб, гитлерчи босқинчиларни тезроқ яксон этиб, яна билим маърифат даргоҳларига қайтиб келишларини истаб, самимий сўзлар айтди.

1942 йил октябрида Назармат ҳам кўп қатори Брянск фронтига келади. Бу ерда ўзбек тилида чиқадиган «Душманга қарши олға» фронт газетасида Тошкентдан журналистлар келгунга қадар фаолият кўрсатади. Фронтдан рота сиёсий ходими журналист Лутфулло Ҳамроев ва Тошкентдан журналист Наби Юсуфийлар келгандан сўнг, у 1-гвардиячи алоҳида Дон танк корпусига йўл олади. Н.Эгамназаров Сталинград жангларининг қаҳрамони машҳур гвардиячи бу танк корпусига химия ҳимояси взводига командир бўлиб хизматга тайинланади.

1943 йил кузида ушбу танк корпуси Белоруссиянинг Гомель вилоятига қарашли Лоев туманида Днепрни кечиб ўтиб, унинг ўнг қирғоғида шиддатли жанглар олиб боради. Н.Эгамназаров ана шу танк корпуси таркибида бўлиб, у 1943-1944 йилларда Белоруссиянинг Речица, Калинковичи, Осиповичи, Бобруйск, Минск ва Слоним шаҳарларини озод қилиш жангларида қатнашади. Айниқса, Бобруйскда қуршаб олинган гитлерчи қўшинларни яксон этиб, уларни асир олиш жангларида ўз взводи билан юксак жасорат намуналарини кўрсатади.

Н.Эгамназаров уруш йилларида ҳам урушдан кейинги йилларда ҳам ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида ижод қилиб келмоқда. У халқимизнинг буюк халоскорлиги, жангларда кўрсатган юксак жасоратлари, бир сўз билан айтганда, фашизм устидан қозонилган оламшумул ғалабага қўшган салмоқли ҳиссаси ҳақида яратилган кўплаб асарларнинг муаллифидир. Унинг асарлари ва босиб ўтган жанговар фаолияти ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта хизмат қилади. Ҳозирда Н.Эгамназаров Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Нуронийлар кенгашининг раиси вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Оллоҳга шукур, бугун юртимиз тинч, унинг ҳузур-ҳаловати, осойишталиги ишончли қўлларда. Миллий армиямиз, мамлакат мудофаа қудрати бардавом бўлсин. Атрофга қараб, Назармат Эгамназаров каби маҳаллада юриб, тинчлик деган буюк неъматдан баҳраманд бўлиб, бу эзгу ва мардона ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган юртдошларимизга қайта-қайта таъзим этамиз.

Ҳаким АЗИМОВ,
илмий тадқиқотчи.

Шеърим билан умрим узундир

Тўра ЖУМАН

Шоир Тўра ЖУМАН – иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.У ўз сафдошлари ҳақида кўплаб рисолалар яратган.Бугун унинг ёши 80 ни қоралаб қолди, аммо унинг шеъриятга ошно қалби ҳамон жўшиб турибди.

ЖУДА ЁМОНДИР

Дўстларингдан кўнглингни узсанг жуда ёмондир,
Қариндошдан орани узсанг жуда ёмондир.

Ҳар ким ўз топганига қаноат қилса яхши,
Бировнинг ҳақига қўл чўзсанг жуда ёмондир.

Кимки вафодор бўлса, зарар кўрмас ҳеч қачон,
Ўзга жононаларга кўз сузсанг жуда ёмондир.

Ёшликда саёҳатга якка чиқсанг бўлади,
Тўра, кексайгач ёлғиз кезсанг жуда ёмондир.

МАКР-ХИЙЛА УЙҒОНАР

Макр-хийла уйғонар муҳаббат ўлган жойда,
Одамлари эгрилик ва бузуқлик қилган жойда.

Хайр-барака элдан кўтарилар шубҳасиз,
Пораҳўр, адолатсиз раҳбарлар бўлган жойда.

Яхши раҳбар элнинг камчилигин йўқотар,
Севги боғи яшнайди бахт-иқбол кулган жойда.

Тўра, тенгсиз шодликлар юракларга жойланар
Бир-бирини соғиниб, чин дўстлар келган жойда.

ШАРБАТ ТУТГАНМАН

Ўқийвериб ҳадиснинг кўпини ёд этганман,
Шул сабаб ёмонликдан узоқроққа кетганман.

Оқ кўнгил бўлганим-чун Худо доим қўллади,
Тўсиқлардан, ғовлардан қийналмасдан ўтганман.

Олға қараб интилдим, ҳаракатда-баракат,
Тинмаганлар тинаркан, мақсадимга етганман.

Самимийликда мени анор деса бўлади,
Эзгуларга яхшилик қилиб шарбат тутганман.

БИР ТЕКИСЛИК КЎРМАДИМ

Кимлар шодон яшайди, кимлар кўнглида яра,
Бир кам дунё яраси тўлиқ битмайди сира.

Бир текислик кўрмадим ҳаётда, замонада,
Йўқнинг аҳволи оғир, борнинг яшаши сара.

Ширага пашша каби яқинлашар одамлар,
Эҳтиёт бўлмоғи керак, кўплар бойликка жўра.

Мақтовдан мағрурланма, танқиддан хафа бўлма,
Иғво, кўролмасликдан асло ранжима, Тўра.

ЯШАШ ЗАВҚЛИ

Яшаш завқли, эй дўстлар мақсади зўр ёшлар бор,
Мўлчилик сабабчиси раҳбар, ишга бошлар бор.

Саёҳатга отлансак, манзарали жой анча,
Қурилиш қилсак ёғоч, цемент, шағал тошлар бор.

Кўпкари учун отлар, боқишга сигир, қўйлар,
Турли-туман мевалар, зиғири, нўхот мошлар бор.

Тўра, меҳнат қилгани замин сира хор қилмас,
Дастурхонга файз берган кабоб, сомса, ошлар бор.

ҚАДР - САВОБДИР

● Тадбир

Хотира ва Қадрлаш куни олдидан ўтказилаётган тадбирлар яхшилар номи ҳеч қачон унутилмаслиги, даврлар ўтиши билан ҳам янада эъзозланаверишини исботламоқда.

Хусусан, куни-кеча пойтахт шаҳар Акмал Икромов туманидаги Ҳамза номли маҳалла марказида бўлиб ўтган "Хотира - муқаддас, қадр - савобдир" мавзуига бағишланган тадбирда II жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, байналмилал жангчилар, оқсоқоллар ва фаоллар иштирок этдилар. Шунингдек, анжуманга кам таъминланган оилалар соҳиблари, якка-ёлғиз ҳамда ёрдамга муҳтож кишилар ҳам таклиф этилди.

Мазкур маҳаллада яшаб, унинг ривожланишига баракали ҳисса қўшган марҳум отахону онахонлар ёди шарафлангач, Ҳамза номли маҳалланинг Зокиржон Иминов раҳбарлигидаги ҳаваскорлик ансамбли ва бошқа хонанда-ю созандалар даврага файз киритдилар.

Тадбирнинг "Энг обод кўча" кўрик-танлови биринчи чорак якуни бўйича ғолиблари - кўча бошлиқлари Тўра Маҳкамов, Тўлқин Азимов, Маърифат Алимоваларни тақдирлаш жараёни айниқса, эсда қоларли бўлди. 90 ёшдан ошган пиру бадавлат онахонлардан Лазокат Каримова ва Жамолхон Тошпўлатоваларга ажойиб совғалар топширилди. Шаҳар Қизил Ярим Ой жамиятининг маҳалладаги бошлангич ташкилоти - "Меҳри нур" клубига эса, "Фармед" хусусий фирмаси томонидан ажратилган 65 минг сўмлик дори-дармонлар тортиқ қилинди. Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ушбу клуб учун антракционларда кўнгил ёзишга 14 та бепул чипта ажратганини маълум қилди. "Наврўз" жамғармаси муруввати эса 50 тўплам ўқувчилар кийимини ташкил этди.

Тўкин дастурхон, дошқозондаги ош, совға-саломлар ва бошқа тортиқларни ҳаля этган маҳаллалик тадбиркорлардан Қаҳрамон Муҳсимов, Бахтиёр Халилов, Рустам Назаров, Суннат Эрназаров, Саидлазим Саидқосимов сингарларининг саховатлари ҳам таҳсинга лойиқдир.

А.НАБИЕВ
Ҳакимжон СОЛИҲОВ
олган сурат.

● Жангчи хотира китоб ёзибди ...

«Чўли ироқ»дан мадад олганлар

"... Ҳамон Сталинград ўрмонларидаги ўша манзара ёдимдан чиқмайди. У мени бир умр таъқиб этади. Тез-тез тушларимга киради. Ўша қирғин-баротда қандай қилиб омон қолганимни ҳанузгача тушуна олмайман. "Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади", - деганлари балким шудир".

Ўтган йили нашр этилган ҳикоя китоблар орасида собиқ жангчи, таниқли журналист ва адабиётчи Раҳимжон Убайдуллаевнинг "Қадрдоним отам" номли китоби менинг эътиборимни ўзига тортди.* Аввал уни мен муаллифнинг отаси ҳақидаги ҳикоялари бўлса керак! - деб ўйладим.Кейин билсам, бу ўтган катта урушнинг бошидан охиригача қатнашиб, унинг барча машаққатларини бошидан кечирган уруш қатнашчисининг урушдан олдин, уруш даврида ва ундан кейин бошидан кечирганлари, кўрган-билганлари ҳақидаги ҳикоялар тўплами экан.

Мен муаллифни шахсан таниганим учун уни "Раҳимжон ака" деб атайман. Ҳозир у 86 ёшда. Чиндан ҳам унинг таржимаи ҳоли нодир воқеаларга бой бўлиб, ёзса ёзилгулик эди.

Тўпламни муаллиф урушгача ўз атрофида мамлакат, хусусан у ўзи яшаб турган маҳалла ва қишлоқлардаги воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқ ҳикоялардан бошлаган. Уларда турли сиёсий тазйиқлар туфайли одамлар қандай қийин аҳволларга тушгани, сарсон-саргардон бўлиб, бетона жойлардан бошпана топишга урингани, бир парча нон топиш нақадар мушкул бўлгани, маърифат оёқости бўлгани "Охирги от", "Маърифат заҳматкашлари", "Ярим қоп уннинг тўйи", "Манзурахоннинг қисмати" деган ҳикояларда юртдошларнинг ачинарли қисматлари тасвири орқали кўрсатиб берилган.

Айниқса "Маърифат заҳматкашлари" ҳикоясида турли динларга мансуб, умрини тоат-ибодатга бағишлаган мингдан ортиқ "домла-эшонлар, узун қора кийимли пўпларр"нинг канвойлар қуршовида Фарғона томондан ҳайдаб келингани ва масжид олдидаги катта тош йўлдан Туясарой деб номланган қамоқхона томон қандай олиб ўтилгани, уларнинг оч-наҳор, ҳорғин қадам босишлари, назоратчилар томонидан камситилиб, ҳақоратланишлари китобхонни даҳшатга солмай иложи йўқ.

Лекин ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, инсонлар шундай шароитда ҳам ўзини гоҳ ўққа, гоҳ чўққа уриб, яшашга интилган, нажот йўлларини қидирган. Тўпламдаги «Бек ака - раис», «Маслаҳат», «Қарз», «Отангиз яхши одам эдилар» номли ҳикояларда кишиларимиз, халқ ибораси билан айтганда, йўқдан бор қилган, нимага эришган бўлса, ўз меҳнати, тиришқоқлиги, ақл-заковати билан эришган. Усмонбек, Курбонбек акалар тўғрисидаги ҳикоялар айнан муаллифга яқин ҳудудлари одамлар ҳаётидан олиб ёзилган бўлиб, бунга йўл-йўлакай аниқ имо-ишоралар йўқ эмас.

Масалан, «Бетакрор атоқли одам» ҳикояси машҳур математик ва физик олим, академик Сатти Ҳасанович Сирожиддинов ҳақида бўлиб, муаллиф у билан тенгдош бўлган, бир маҳаллада яшаган, «рабфак»да бирга ўқиган, улар бир-бирлари билан яқин дўст ҳам бўлишган. Уларнинг мураккаб ҳаёт йўллари, бошларидан кечирган қийинчиликлари мазкур ҳикояда жуда жонли ва қизиқарли ёритиб берилган.

Раҳимжон ака Убайдуллаевнинг фронт хотиралари билан боғлиқ ҳикоялари мазкур тўпламнинг энг яхши ва таъсирли қисмини ташкил этади, - десам хато бўлмас. Фронтнинг турли қисмлари, хусусан танк қисмларида хизмат қилиб, душманга қирши жангларда фаол иштирок этган муаллиф беҳисоб қурбонларни, энг яқин, ёшёш дўстлари жангларда мардларча курашиб, баъзилари ҳаётдан қандай кўз юмганларини гоят жонли тасвирлаб бера олган. Чунки бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган ва улар унинг ёдида бир умрга маҳкам муҳрланиб қолган. Уларни унутиш мумкин эмас. "Ажалнинг "оқ рангли" ҳикоясида у дейди:

"... Ҳамон Сталинград ўрмонларидаги ўша манзара ёдимдан чиқмайди. У мени бир умр таъқиб этади. Тез-тез тушларимга киради. Ўша қирғин-баротда қандай қилиб омон қолганимни ҳанузгача тушуна олмайман. "Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади", - деганлари балким шудир". (54-сах).

"Гулхандаги найчи" ҳикоясида муаллиф фронтда оғир жанглар юз бериб турган бир пайтда госпиталдан яраси тузалиб чиққанидан кейин танкчилар мактабига қабул қилингани ва уни муваффақият билан битиргандан сўнг эса фронтга йўл олгани ҳақида ҳикоя қилар экан, янги жойда, жангга кириш олдида ватандоши, Матбоев Олим деган жангчи йигит билан танишиб қолади. Раҳимжон ака Тошкентнинг Жўрабек маҳалласидан бўлса, Матбоев Олим Пскентдан экан.

Полшанинг Санок ва Ясиница деган шаҳарларини озод қилишда Раҳимжон ака командир сифатида катта жасорат кўрсатган. Жангдан кейин барча командирлар ва аскарлар очиқ ҳавода ёйилиб дам олишар экан, Раҳимжон ака дўсти - Олимдан найда "Чўли Ироқ" куйини чалиб беришни илтимос қилади. Буни муаллиф қуйидагича тасвирлаган:

"У (Олим) келган томонимизга - Шарққа қаратиб, шундай завқ билан чалдики, ҳамма эшитганлар ҳайрон, - бу сеҳрли садо қаерларгача етиб бордийкин. Ўзбекнинг оҳанрабо найи шу қадар таъсирчанлигини юракдан сездим, англадим шу сукунатли ажиб онда!"

Лекин афсус қиладиган жойи шундаки, найчи Олим ҳам қўлида найи билан кейинги жангларнинг биридa яраланиб, ҳалок бўлади. Булар ҳаммаси муаллиф томонидан катта инсоний дард билан тасвирланган.

Кўриниб турибдики, бу ҳикоялар муаллиф хаёлидан эмас, бевосита ҳаётий воқеалар асосида юзага келган. Бундай ҳикояларнинг адабиётимиз тарихида алоҳида ўрни бор! - деб ўйлайман.

Собиқ жангчи, дилбар инсон ва ижодкор Раҳимжон Убайдуллаевнинг ушбу тўпламидан бир қанча шеърлари ҳамда бошқа хотиралари ҳам ўрин олган.

А.ҲАЙИТМЕТОВ

Қадрлаш куни

● Авлодига ифтихор инсон

ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ ЭДИ

Мана, бугун улар падари бузрукворлари ўз қўллари билан бунёд этган қутлуғ уйда. Шинамгина ҳовли ўғил-қизлар, 30 набира, ўндан ортиқ эвара, дўсту биродарлар билан гавжум.

Телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтардим.

- Алло, Омон акамисиз?

- Ҳа.

- Кечирасиз, мен раҳматли Нормамат Ҳайитовнинг ўғли Абдурашидман. Эртага отамнинг туғилган куни, ҳаёт бўлганларида саксон бешга тўлар эдилар. Ҳар йили таваллуд топган кунлари оғаинилар, опа-сингиллар тўпланамиз. Сиз ҳам иштирок этсангиз хурсанд бўлардик.

Ҳа, Нормамат Ҳайитовни Бойсунда танимайдиган, номини ҳурмат билан тилга олмайдиган одам бўлмаса керак. Кўнгли очиқ, самимий, дилкаш эди у. Битта айтиб ўнта куларди. У билан бир даврада ўтирган кишининг юзидан табассум аримасди.

- Нормамат билан тенгдошман, - дея эслайди меҳнат фахрийси Аъзам Жўраев. - Чойхонада ўтирган эдик. Ён чорпоядаги тўрт чоғли одамдан бирининг ҳаётдан нолигандай бўлиб гапирган сўзлари қулоғимизга чалинди. Шунда: "Ношукур банда, деди у жаҳли чиқиб, - шундай дориломон замонда оғзингдан чиққан гапни қара-ю. Ишла. Меҳнат қилиб ҳеч ким кам бўлмаган. Ҳали сен хорлик нима билмайсан. Биз у кунларни бошдан кечирганмиз. Эҳ-ҳе. Айтишга тил бормайди..."

Нормамат ака ота-онасидан анча барвақт жудо бўлган. Етимликда кун кечирган. Ўйинқароқ болалик йилларининг лаззати унга насиб этмаган, бир бурда нон учун ер ҳайдаган, ўроқ ўрган, ғалла янчган. Меш орқалаб сув ташиган. Шундай бўлса ҳам турмушидан ранжимаган, шукур қилган. Келажакка умид билан боқкан. Меҳнатга меҳр қўйган. Эсини танигач, табелчи бўлган. Мухосиблик қилган. Йигитлик ҳарбий бурчини ўтади. Аммо бир йил эмас, етти йил ҳарбий хизматда бўлди. 1939 йилдан бошлаб, қон кечди, ажал билан юзма-юз юрди. Дастлаб Финляндия урушида қатнашди. Москва остоналаридан то Берлингача бўлган машаққатли йўлни қўлида қурол билан пиёда босиб ўтди.

У 1946 йили она юртига қайтиб келганида кўксини қатор орден ва медаллар безаб турарди. Тезда ишга кирди. Аввал Маданият уйига директорлик қилди. Давлат хўжалиги ташкил топгач, касаба уюшмасига раис этиб сайланди. Кўп йиллар тумандаги шойи тўқиш фабрикасининг ташкилотчи фаолларидан бири эди.

Нормамат аканинг турмуш ўртоғи Асия опа ҳам ўзига муносиб аёл эди. Меҳнаткаш, ширинсўз, меҳмоннавозликда Н.Ҳайитовдан асло қолишмас эди. У ўттиз беш йил тумандаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатида бош ҳисобчи бўлиб ишлади. Кам бўлмади. Ҳамма иззат қиларди. Нормамат ака Ася опа билан эллик йилдан ортиқ умргузаронлик қилди, ҳавас қилса арзийдиган ибратли оила қурди. Тўрт ўғил, тўрт қизни оқ ювиб, оқ тарашди, тарбиялаб воягa етказишди. Фарзандлар ҳам ота-онаси бошлаган ишни давом эттираяпти.

Мана, бугун улар падари бузрукворлари ўз қўллари билан бунёд этган қутлуғ уйда. Шинамгина ҳовли ўғил-қизлар, 30 набира, ўндан ортиқ эвара, дўсту-биродарлар билан гавжум. Давра тўридаги курсидан ўрин олган Нормамат Ҳайитовнинг катта портрети эътиборимни тортади. Унинг нуроний сиймоси атрофга табассум ила боқиб, фарзандлари саховатидан миннатдор бўлаётгандек, оқибатли жўралари хотираларини жон қулоғи билан тинглаётгандек туюлади менда.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Хотира майдонида

Қуролдош дўстлар... Юзи нурга, кўкси жанговор нишонларга тўла отахонлар Иккинчи жаҳон уруши даврида алпқомат наврақон бўлишган. Ўшанда ҳам улар бугунгидек елкадош бўлганлар, уларнинг бугун асо тутган қўллари ўшанда милтиқ қўндоғини маҳкам тутган. Ўшандаги қирғин-барот жанглар ҳамон уларнинг тушларига кириб турса не ажаб? Шунда қуролдошлар дўстлар жамланиб, бугунги дориломон кунлар учун шукр, ҳалок бўлганлар ҳаққига дуолар қилиб, бизларни тинч ва хотиржам ҳаётни қадрлашга, асрашга ундайдилар. Улар нафақат бугун - Хотира ва қадрлаш куни арафасида, балки ҳамиша, ҳар онда эъзозда, эҳтиромда бўлишга лойиқ

Р. ГАЛИЕВ олган сурат

● Хотира уйғонса гўзалдир...

Уруш ҳақида сўзлаш осон эмас

Уруш... Шу биргина сўзнинг ўзиёқ қирғинбарот даҳшатини ўз бошидан кечирган ёхуд жигарбандларидан айрилган кишиларнинг юрагини зирқиратиб юборганини кўп марта шоҳиди бўлганман. Билъакс, музаффар инсонларни эсламаслик, улар ҳақида ёш авлодга сўйламаслик гуноҳ.

Абдужаббор Расуловнинг уйини меҳмон босди. Ҳамма уни табаррук етмиш ёши билан табриклаб совға-салом топширарди. Турмуш аччиқ-чучугини бирга тотган Лутфия аянинг эса оёғи олти, қўли етти. Бу кунлар ғанимат экан. Орадан сал ўтгач, урушда олган жароҳати сабаб тўшакка михланиб қолди. Энди қўлтиқтаёқлари ҳам, ҳамиша бирон ёрдамга шошилган тўрт ўғил ва уч нафар қизининг кўмагига ҳам зарурат қолмаганди. Бир куни телевизорда уруш тўғрисида кино намойиш этилди. Томоша охирлаб қолганда у киши ғалати кулиб қўйдилар-да:

- Кинода фашистлар аҳмоқ ва қўрқоқ қилиб кўрсатилибди. Бу - унчалик тўғри эмас. Эсимдан чиқмайди, Смоленск учун бўлган бир жангда бутун батальондан беш аскар омон қайтгандик. Шунда қирқ йил қирғин бўлса-ям ажали етмаганга гард ҳам юқмайди, деган нақлнинг мағзини чаққанман.

Албатта, унинг учун уруш тўғрисида гапириш, хотираларни янгилаш осон кечмасди, лекин биз саволлар беравергaнимиздан сўнг кечинмаларини сўзлашга мажбур бўлардилар. У кишининг таассуротларини тинглаш асносида гўё биз ҳам ўзимизни жанг майдонларида юргандек ҳис қилардик.

Ота бир оз тин олгач, сўзида давом этди:

- Одатда ҳар бир ҳужум олдидан намоз ўқиб, Худога илтижо қилиб жангга кирардим-у, яна омон қайтганимга шукр қилардим. Бир куни ҳужум бошланиши арафасида ҳандақда буйруқ кутиб ётардик. Кутилмаганда тепамизда бомбардимончи самолётлар пайдо бўлиб, бомба ташлай бошлади. Буйруқни кутишга вақт йўқ эди. Аллоҳдан мадад сўраб, қўл пулемётимдан сурункасига ўқ уздим. Мўлжалим самолётнинг ёнилғи бакига тегди шекилли, у ёниб, ерга шўнғиди. Хуллас, ушбу кўҳна шаҳар учун шиддатли жанглар бўлган. Бомбардимон ва замбарак ўқларидан ернинг соғ жойи қолмаганди. Ҳандақдан бошингни кўтардинг - тамом, душманнинг нишонига дуч келасан. Жанг туфайли бир неча кунга етадиган озиқ-овқат ҳам кулга айланди. Ҳандақнинг у ер-бу еридан илондек осилиб турган дарахт илдизларини еб тугатганимизга эса икки кун бўлганди. Мадад кучлари етиб келгунча, олти кечаю-кундуз топилган нарсани еб кун кечирдик. Қарши ҳужум олдидан турган-битгани сувдан иборат "шўрва"ни паққос тушириб олдик.

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Абдужаббор отанинг ана шу ҳикоясини такрор ва такрор эсладим. 9 май куни биз учун табаррук бўлган ул зотнинг қабрини зиёрат қилиб, Қуръондан тиловат қилишни кўнглимга тугиб қўйдим.

А. АБДУМАННОПОВ

ЭЛОМОН-ЭЛ ҚАЛБИДА ОМОН

Бизга маълумки, 2000 йил августида Сурхондарё вилояти Узун ва Сариосиё туманларида Ватан тинчлиги ва осойишталиги йўлида бўлиб ўтган жангариларга қарши ҳужумда кўпгина юртдошларимиз мардонавор курашдилар.

Шу жумладан, сирдарёлик катта сержант Эломон Отажонов ҳам шу жангда тоғ қояларидаги қўйилган пистирмадан ўқ егач, қуролдош дўстларини бу томонга ошиқмаслиги ҳақида огоҳлантиради. Ваҳоланки, жароҳатига (ўнг елкасидан кирган ўқ чап курагидан чиқиб кетган) тез ёрдам керак эди. Эломон шу ҳолатда ҳам Ватан ҳоинлари билан жанг қилишда давом этади. Ғорда яна қўшимча жангарилар борлигини рация орқали хабар беради ва сўнгги нафасида дўстлари билан видолашиб, ёруғ оламдан кўз юмади.

Бу воқеани эшитганимда «Жон танда эмас, Ватан тупроғидадир», деган ҳикматни Эломон юракдан ҳис қилганини англадим.

-Фарзандим жасадини келтирганларида,- дея хотирлайди онаси Янглишмой ая Отажонова, - мен ҳам ўлиб қолсам керак, деб ўйлагандим... Гоҳо оёғимда тик юрганимга ҳайрон бўламан. Гамдан одам ўлмас экан...

Фақат бир нарса таскин беради - ўғлимга берган оқ сутим зое кетмади. У юрт осойишталигига қарата отилган ўққа ўз кўкрагини тутди.

Ҳа, Эломон эл учун омондир. Унинг хотираси, ёди доимо эл билан.

Лайло НАЖМУЛЛО.

Омон бўлсин юртимиз

● Замондош қаҳрамон

ОВЧИ, ЖУРНАЛИСТ, СОБИҚ ЖАНГЧИ

Бир пайтлар қайсидир газетани варақлаётиб, бир балиқчининг антиқа воқеавий ҳикоясига дуч келдим: эрталабдан кечгача тинмасдан балиқ овлаган балиқчилар кеч тушиши билан уйқуга кетишади. Эрталаб уйғонишса ўлжа йўқ?! Атрофда эса ҳеч ким йўқ, бордию кечқурун ўлжага кимдир тегинганда ҳам балиқчилар сезмасликлари мумкин эмасди. Устига-устак тутилган балиқлар сим арқонга тортиб, тош боғлаб сувга чўктириб қўйилган эди. Шундай қилиб, балиқчилар уйга қуп-қуруқ, ҳатто бир-бирларидан шубҳаланиб кўнгиллари ғаш бўлиб қайтишади.

Бу ғалати ўғрилик анча вақттача ҳаёлимдан кетмай юрди. Уни эслашим билан хаёлимга учар ликобчалар ва ғаройиботлар тўғрисидаги турли воқеалар келарди. Қанча ўйламай жумбоқ жумбоқлигича қолди. Вақт ўтиб, бу воқеа гўё эсимдан чиққандек эди. Кейин бу муаллифнинг бир неча шу турдаги ажойиб, ва ғаройиб, қизиқарли хотираларга бой ёдномаларини кўп ўқидим. Орадан бир неча йил ўтиб, ёдномалар муаллифи Масгут Маҳмудов билан бир ҳамкасбим орқали танишганимда, сабрим чидамай, ундан дарҳол сўрай кетдим: «Шундай қилиб ўшанда балиқни ким олиб кетган экан?» Балиқчи айёрона жилмайиб, саволимга жавоб беришдан олдин ҳалиги ҳамкасбимга қараб; «Виктор, қарагин-а, ўша воқеа ҳали ҳам эсида экан-да!» деди.

Бизни таништирган иқтидорли журналист Виктор Павлович Чиркин: «Бобой, (кейин билсам, Масгут акани яқин дўстлари шундай атар эканлар) сизнинг ҳикояларингизни кўпчилик эслайди. Яхшиси, сиз воқеани нима билан тугаганини гапириб беринг»,- деди.

- Биз ўзимиз ҳам анча вақттача тинчлана олмадик. Бу жумбоқнинг ечими кейинги овларда ечилди. Навбатдаги ўлжамизни яна сим арқонга тортиб, тош билан соҳил бўйига чўктириб қўйдик ва кузатиб турдик. Бир пайт шоқол келиб, арқонни силкита бошлади. Яқинлашсак, шоқол ўзини ҳимоя қилишга ўтди, лекин асосийси ўтган галдаги ўғрининг кимлигини билиб олдик. Ўтган сафар ўғри бирор жонивор бўлиши мумкинлиги хаёлимизга келмаганлигидан роса кулдик. Шоқол сим арқонни тортиб, балиқларни сувдан кўтариб олишга ақли етиши хаёлимизга ҳам келмабди. Очлик баъзан ёввойи ҳайвонларни циркда ўргатилган ҳайвонлардан ҳам ақллироқ бўлишга мажбур қиларкан, - дея ҳикоясини тугатди Масгут ака.

Билмадим, танишган пайтимизни бу йил 80 ёшга кирувчи уруш ва меҳнат фахрийси Масгут ота эслай оладилармi-йўқми, лекин менинг эсимда қолди. Ўшандан бери у киши менга яқин дўстимдай қадрли бўлиб қолганлар. Баъзан улар билан овга борсак ва бутун оқшом уларнинг қизиқ-қизиқ ҳикояларини эшитиб ўтирсам ўзимни жуда бахтиёр сезаман. Бир пайтлар Сирдарёдан вазни нақд 19 килограммли балиқ овлаган экан.

Менда яна бир дўстим Чиркинлар оиласида овчилик қилган пайтларимизда тушган ажойиб суратлар бор. Бу суратларда чиройли табиат манзаралари, катта балиқлар тасвири ҳам анчагина. Сув, узоқроқда сузиб юрган ўрдаклар, бўйи одам бўйидан баланд қамишлар... Балиқчилар ушбу манзараларга жуда мос тушади. Уларнинг кўпида балиқчилар ўзларининг ўлжалари билан мухрланган. Кунлардан бир кун яна ўша суратларни томоша қила туриб, суратларнинг бирида Масгут Маҳмудовни таниб қолдим - у шериклари билан овдан, ўзидан хурсанд ҳолда турарди. Бошига пероли шляпа кийган ёш, кўркам балиқчининг нигоҳи ўйчан эди. Суратни кўраётган дўстлари: «Бобой шу ернинг ўзида ов тассуротларини қандай ёзиш ҳақида ўйлаяпти»,- деб ҳазиллашардилар.

Ҳикояларни унинг ўзи ҳар доим таҳририятларга тарқатиб юради. Ҳар бир ташрифида унинг атрофида ёш ҳамкасбларим тўпланиб олишади. У одати бўйича қўлларини кенг ёзиб «Ўзиям жонивор, мана бундоқ эди-да» ёки «Жуда бошқача ов бўлган эди-да» дея ҳикоя бошлаб ҳаммани ўзига мафтун этади. Аслида Масгут Маҳмудов фақат овчи ва балиқчи сифатидагина машҳур эмас. У «Правда Востока» газетаси таҳририятида 40 йил фаолият кўрсатган. Бугунги кўпгина салоҳиятли журналистлар унинг сабоқларини олганлар. Ҳатто журналистик фаолиятларини унинг «Қўл»ида бошлаганларнинг баъзилари аллақачон нафақага чиқиб улгуришди ҳам. Масгут отанинг ўзлари ҳам 70-йилларнинг охирида нафақага чиқди. Лекин уйда бекор ўтириш Масгут акага хос ва мос эмасди. Ва албатта у севимли ишлари билан шуғуланишни давом эттирди.

Овчи ва балиқчилар у кишини балиқ овчилари Уюшмасининг кўп йиллик фахрий аъзоси, норасмий фаоли сифатида яхши билишади. Броконерлар ҳам бу кишини яхши танишади, лекин ёқтиришмайди. Баъзан бизнинг «бобой» уларга ҳазиллашиб, «Сенинг отангни йўлга сололмадим, лекин сенга албатта табиатни ҳурмат қилишни ўргатаман», дейди ва бу гаплар кўпчиликка таъсир қилган. Одамларимиз ҳар хил, лекин кўпчилик сочи оқарган оқсоқол билан тортишиб ўтиришни ўзларига эп кўришмайди.

Инспекцияда ҳам яхши билишади, бордию Маҳмудов акт тузди, у билан ҳеч ким баҳслашмайди. Чунки Маҳмудов ниҳоятда адолатли эканини, ҳеч кимни бекордан-бекорга қойимаслигини ҳамма яхши билади.

Масгут ака хушчақчақ, ҳар қандай тунд одамнинг ҳам кайфиятини кўтара оладиган дилкаш киши бўлса-да, Иккинчи жаҳон урушининг аянчли хотираларини ҳамиша ёдида тутади. У урушда разведкачи бўлган. 1942 йил декабрда Сталинград ёқасидаги урушда матонат билан қатнашганлари учун «Жанговар хизматлари учун» медалини олган. Бу киши урушда кўрсатган жасоратлари учун ҳаммаси бўлиб 9 та медал билан тақдирланган. Масгут бобо (энди бу сўзни унга лақаб сифатида эмас ҳақиқий маънода қўллаймиз) бугунги кунда пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги Амир Темур номли маҳалла фаоли сифатида ҳам одамлар ҳурматига сазовор бўлиб келади.

Озод ПРИМОВ.

Олам турфа

ҚУЛАЙ ВА ИХЧАМ

Сафар чоғида олиб юриладиган самовар борлиги Россияда юз йил бурун ҳам маълум эди.

Лекин М.Меламуд яратганидек самовар ҳали бўлмаган.

Бу самоварни осонгина қисмларга ажратиш ва яна илгаклари ёрдамида тезгина йиғиш мумкин. Уни халтачага осонгина жойлаштирса бўлади.

ЯНГИЧА УСУЛ

Европадаги врач ва электроника бўйича мутахассислар жарроҳларга ёрдам учун беморга умумий наркоз беришнинг янги усулини йўлга қўйишди.

Бундай асбоб ёрдамида кардиологлар бир вақтнинг ўзида операция қилинаётган беморнинг нафас олишини, юрак ва наркоз бериш жараёнини ҳам тартибга солиб турадилар.

ПУЛ ТАРИХИДАН ПИЧА

Пул пайдо бўлиши билан савдо-сотиқ тобора ривожланиб узоқ-яқин мамлакатлар ўртасида карвонлар муттасил қатнай бошлаган, натижада ўзга юртдан келган савдогарлардан солиқ олиниши одат тусига кирди ҳамда энг қулай пул-тангалар пайдо бўлди.

Юнон шаҳарлари танга зарб этиш тарихида муайян ўрин тутади. Зеро, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқдаги ноёб қазилма бойликларни қўлга киритган Искандар Зулқарнайннинг одамлари Нодир маъданлардан ўз юртларида танга зарб этадилар ва бу пуллар Ўрта денгиз қирғоғидаги барча мамлакатларда муомалага киритилган. Рим давлатининг кучайиши билан эса милоддан аввалги III асрдан бошлаб аввалги бронза қуймалари ўрнига олтин тангалар зарб эттирила бошланади ва бу тангалар ниҳоятда кенг тарқалиб узоқ йиллар давомида муомалада бўлади.

Бухоро вилоятидаги ўлкашунослик музейида сақланаётган баъзи бир суғд тангаларини Юнон-Бақтрия подшоси Евтидем зарб қилдирган ва бу пуллар милоднинг II-IV асрларида муомалада бўлган экан.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

«050» – Қутқарув хизмати хабарлари

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

Шу йилнинг 10 апрель куни Халқлар Дўстлиги йўлининг Ғафур Ғулом кўчаси томонида, яъни кўприк ости йўналишида техник носозлиги сабабли «Москвич» автомобили тўхтаб қолади. Натижада, унинг ортидан келаётган «Волга» ГАЗ 24 ҳайдовчиси тўхтаб ёрдам беришга шошилади, кетма-кет келаётган машиналар ҳам тўхтаб турган пайтда уларнинг ортидан ногаҳон катта тезликда КамАЗ юк автомобили келиб қолади. Қаторлашиб турган автомобилларни кўрган КамАЗ ҳайдовчиси тормоз босишга зўр бериб уринсада, юк машинаси сурилиб бориб қатор турган 5 та машинани пачоқ қилади. Бу кўргилик етмагандай, авария бўлган машиналар ортида яна машиналар тўплана бошлайди, бир бирига ёрдам бериш илинжида турган ҳайдовчиларнинг фиғони фалакка чиқди. Негаки, машина рулига ўтирса ўзларини улоқ чопиб юрган чавандозга ўхшатадиган баъзи шофёрлар хилидан бўлган "учар ҳайдовчи"лардан бири, яъни КамАЗ ҳайдовчиси катта тезлик билан келиб қаторлашган автомобилларга тўқнашди.

Воқеа жойига чиқарилган майор С.А.Жигалин бошчилигидаги Мусо Накиев, Қаҳрамон Аҳмедов, Дониёр Азимовлардан иборат 050-Қутқарув хизмати тезкор гуруҳи йигитлари машиналарни бир биридан ажратишда ўз ёрдамларини кўрсатишди.

«БОРИНГЛАРГА ШУКР...»

Юнусобод тумани 4-мавзе 42-уй 4-хонадонда яшовчи 1926 йилда туғилган Пицко Альбина Демяновна ёлғиз ўзи яшайди. Бироқ, ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож бўлмаган. 26 апрель куни эҳтиётсизлик қилиб уй ошхонасида йиқилиб тушди ва оёғи лат еди, оқибатда ўрнидан қимирлай олмади. Бор кучини жамлаб 050-Қутқарув хизматига қўнғироқ қилолди холос ва уларнинг етиб келишини сабрсизлик билан кута бошлади. Қисқа вақт ичида катта лейтенант-доктор Р.Нуралиев бошчилигидаги Қ.Шоакбаров, М.Тожиев ва З.Исмоиловлардан иборат тезкор қутқарув гуруҳи етиб келди. Қутқарув нарвонини ўрнатиб кампир ётган хонага кириб эшикни ичкаридан очишди ва онахонга биринчи тез тиббий ёрдами кўрсатиб оёққа турғазишди.

Альбина Демяновна йигитларнинг бундай ёрдамидан миннатдорлигини билдираётганида кўзларида ёш қалқиди.

ЁНҒИННИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

1 май куни М.Улуғбек тумани М.Риёзий кўчаси 29-уй 8-хонадонда яшовчи Раҳима Салфуддинованинг уйида катта ёнғин олди олинди. Паришонхотирлик билан кўпроқ вақт қолиб кетган Раҳима опа уйга қайтгач эшигини очолмай қийналади. Шунда, уй ичидан чиқаётган куйинди ҳидини сезади ва газ плитага овқат қўйилгани эсига тушиб, дарҳол 050-Қутқарув хизматига қўнғироқ қилишга югурди.

Қутқарув гуруҳининг йигитлари Хайрулла Каримов ва Дилшод Нурмуҳаммедов альпинист қутқарув анжомларини олиб, зудлик билан томга чиқиб кетишди. Арқон ва ҳимоя воситаларини тайёрлаб, Хайрулла 4-қаватда жойлашган хонадонга дераза орқали тушиб келди ва тезда эшикни очиб, қозондаги ёнишни бошлаган овқат қолдиқларини ўчиришга тушди.

Мухиддин ИСОҚОВ
Тошкент шаҳар ФВБ Матбуот хизмати.

Яна бир обод маскан

Қорақалпоғистон Республикаси

ШОИРЛАР ОВУЛИНИНГ ОДАМЛАРИ

Нукус шаҳридаги аҳолиси энг гавжум бўлган маҳаллалардан бирига Шоирлар овули номи берилди.

Шоирлар овули... Чиндан ҳам, дўппини бошдан олиб, пухтароқ ўйлаб кўрилса, бу элатдан қорақалпоқ халқи довруғини юрт узра танитган ва танитаётган буюк инсонлар етишиб чиққан. Шоир ва давлат арбоблари Наврўз Жапақов, Матеке Жуманазаров, таниқли ижодкорлар Аббос Дабилов, Тиловберган Жумамуротов, болалар шоири, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, уруш фахрийси Жўлдос Сеитназаров.

Шоирлар овули маҳалласида 819 оила, 4974 нафар фуқаро истиқомат қилади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Реимбой Иноятов - катта ҳаёт тажрибасига эга инсон.

Қорақалпоқ халқининг "қиз қочди" деган эски бир удуми бор. Бунда таниш-нотаниш бўлган куёв бола ҳали ўзи яқиндан билиб улгурмаган қизни олиб қочади. У билан турмуш қуради. Бундай ҳолатларда ёшларнинг келажакда бахтли турмуш кечиришларига ким ҳам кафолат бера олади? Қолаверса, кўплаб овулларда ёшларнинг никоҳ масаласига жиддий эътибор берилмаётир.

Реимбой Иноятов бу каби муаммоларни замона талаблари асосида ечишга чоғланди.

- Эскидан келаётган, аммо маъносиз бўлган бир қатор удумларимизга чек қўйишга ҳаракат қиляпмиз, - дейди Реимбой Иноятов. - Маҳалла ёшларига Қорақалпоғистон Давлат университетининг спорт майдончаларидан фойдаланиш имкони яратилди. Оқибатда ёшлар футбол жамоаси Қорақалпоғистон доирасида ғолибликни қўлга киритди. 71 та кам таъминланган оилаларга табиий газ ҳақи тўловида моддий ёрдам кўрсатилди. Маҳалла ҳисобидаги "Т-28" русумли прицепли трактор аҳолининг анча мушкулотини енгиллаштириб, кўча ва майдонларни чиқиндилардан тозалашда жуда қўл келмоқда.

Маҳалла ўтган йили "Экосан" халқаро жамғармаси томонидан уюштирилган "Тозалик ва кўкаламзорлаштириш" кўрик-танловида Нукус шаҳри бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллаб, жамғарма дипломи билан тақдирланди.

Бу анъана ҳозирда ҳам давом этмоқда. Маҳалла Обод маҳалла йили муносабати билан ўтказилаётган "Энг обод маҳалла" кўрик-танловининг 1-босқичида Нукус шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси ғолиби бўлди.

Маҳалла фуқаролар йиғини 0,7 гектар майдонда "Маҳалла гузари" ташкил этишни режалаштирмоқда.

Тожимурод ЭШМУРОДОВ

Тадбир

Тошкент вилояти

ЙЎНҒИЧҚОЛИда БАЙНАЛМИНАЛ МУЛОҚАТЛАР

Ўрта Чирчиқ туманида Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги бор. Хўжалик номи сизни ҳайратлантирган бўлиши табиий. Боиси илгари бу хўжаликка Ким Пен Хва исмли киши раислик қилган. У бениҳоя хушмуомала, зукко инсон эди, дея хотиралашади қишлоқдошлари. Туманда, республика миқёсида энг бой, машҳур қишлоқлардан бири бўлишига жуда катта ҳисса қўшган. Кўпгина иншоатлар қурдирган.

Яқинда шу хўжалик ҳудудида, яъни Йўнғичқоли қишлоқ фуқаролар йиғинида ажойиб тадбир ўтказилди. Республика, қолаверса туман Байналминал Миллий маданият маркази ташаббуси билан ўтказилган бу тадбирда туманда истиқомат қилувчи 36 миллат вакиллари қатнашди.

Тадбирни Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими Максим Тиллабоев очди ва олиб борди.

"Туманимиз аҳолисини турли миллат, асосан ўзбек, уйғур, корейс, қозоқ, татар ва бошқа миллат кишилари ташкил этади. Мана неча йилдардан буён миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ҳукм сурмоқда", - дейди ҳоким ўз нутқида.

Шунингдек Республика Байналминал маданият маркази раиси ўринбосари Муножат Нурматова, Республика "Маҳалла" жамғармаси раиси биринчи ўринбосари Ниғматилла Абдуллаев, Корейс Миллий маданият маркази раиси, бокс бўйича жаҳон чемпиони Владимир Шин, Дуган Миллий маданият маркази раиси Мане Сабуров, Қозоқ Миллий маданият маркази раиси Қанбар Пискентбоев, Уйғур Миллий маданият маркази раиси Шаван Абеяковалар юртимизда турли миллат вакилларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар, яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида гапиришди.

Йўнғичқоли қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Қурбоной Атақулова қишлоқда ўтказилаётган ҳар хил тадбирлар, учрашувлар ҳақида гапирди.

Яна шундай тадбирлардан бири Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида ҳам ўтказилди. Туманда 32 миллат вакиллари яшайди. Аммо энг кўп қисмини, яъни 53,2 фоизини қозоқлар ташкил қилади.

Туман ҳокими Алишер Ғаффоров биз билан суҳбатда: "-Туманда ҳар бир миллатнинг фольклор гуруҳи бор. Айниқса байрамлар бизда ўзгача шукуҳда ўтади. Саҳнага ҳар бир миллат ўз урф-одатлари, миллий куй-қўшиқларини олиб чиқади. Турли хил миллий таомлар билан дастурхон безашади. Улар бир-бирларидан тилини, урф-одатларини ўрганишади".

Нилуфар САФОЕВА,
«Mahalla» мухбири

Оила дарси

ФАОЛИЯТ ВА ОИЛА

Улар бир-бирига ҳалақит бермаслиги лозим.

Раҳматли онамиз - Тўхтахонхожи Абдуқодир қизи пирибадавлат, оқила аёл бўлиб, фарзанд тарбияси, ватанга муҳаббат, ота-онанинг вазифалари каби мавзуларда қалам тебратишни севганлар.

Тўхтахонҳожи аянинг оила, оналик ва тарбиявий ишда аёлнинг ўрни ҳақидаги айрим фикрлари билан ўртоқлашсак фойдадан холи бўлмас, деб ўйладик.

"... Фарзандни туғиш, оқ сут бериш билангина онани эъзозлаш унчалик тўғри эмас. Чунки, дунёдаги барча тирик жон борки ўз боласига сут беради. Улардан фарқли ўлароқ, она оқ сутига меҳри ва бутун вужудини қўшиб бериши керак. Фақат аёл берган меҳр билангина инсонда меҳр-шафқат, муҳаббат, диёнат, иймон, одамийлик хислатлари шакилланиши мумкин. Баъзи ўзини "жуда маданиятли" деб ҳисоблайдиганлар онанинг оилада бола тарбияси билан шуғулланишини қолоқлик ёки чўрилик, деб баҳолайдилар. Бу мантиқли гап эмас ва шу сингариларнинг ўзларини қолоқ фикрли кишилар, деб айтсак тўғри бўлади. Бола тарбиясига иккинчи даражали вазифа деб қараётган ота-оналарнинг бепарволиги оқибатида ўғил ҳам, қиз ҳам етарли таълим-тарбия ололмай, ҳаётда қоқилиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Оилада эркак-эркак бўлиши, аёл ўз ўрнини билиши ҳам ота-онадан қанчалик меҳр олиб, тарбия кўрганига боғлиқ, албатта. Агар хонадон соҳиблари фарзандлари учун ўзларида мавжуд барча маънавий озиқаларини беролган бўлсалар, демак, унинг ҳосиласи ушбу оиланинг равнақига хизмат қилиши шубҳасиз. Бунинг учун она уйда бола тарбияси билан камида уч йил шуғулланиши лозим, деб ўйлайман.

Ўрни келганда айтиш керакки, фарзанд тарбиясида ота-онанинг тутган ўрни, таъсирчан роли бир хилда эмас. Шу боисдан ҳам улар аввало ўзлари яхши тарбия кўрган бўлишлари шарт. Уйрўзғор ишлари, бола тарбияси жуда масъулиятли ва фахрли вазифа. Она ҳам жамиятда ўз ўрнини топган ҳолда ишлаши, меҳнат фаолияти эса фарзандларининг тарбиясига ҳеч қачон халақит бермаслиги даркор".

Улуғбек ПЎЛАТОВ.
Тошкент шаҳри.

Обуна-2003

-Яна нима дейди?
-Иккинчи ярим йилликка обуна бошланибди,дейди!
-Биз йиллик обуна бўлганмиз, деб айт!

Ҳаётга яқин ҳангома

ФАРИШТА ОДАМ

Ҳажвия

Яқинда янги уйга кўчиб келган қўшним билан ҳали дурустроқ танишиб улгурмаган эдим. Кичик қизимнинг шамоллаши сабаб бўлди-ю, унга яқиндан разм солиш имкони туғилди. Ўрта ёшли, кўзлари олазарак, ҳуда-беҳудага икки-уч хил кўзойнагини алмаштиравераётган Даврон ака жонкуяр ва жонсараклиги билан менга маъқул бўлганди.

- Аксириб юрган қизингиз - Дилдоранинг соғлиғи мени безовта қиляпти. Чунки жамики касалликларнинг боши - шамоллашдан. Дарров мана шу дориларни ичириб юбориш керак.

У чақалоқлар пойабзали учун мўлжалланган картон қутичадан тўққиз-ўн хил тасмаларни олиб, столга қўйди. Ён дафтарини варақлаб қачон, нечтадан дори ичишликни тайинлади.

- Кўп эмасми? - ажабландим мен. - Ўҳ-хў, ўҳ-хў... Буларнинг ҳаммасини ичирсак, ошқозони дорихонага айланиб кетади-ку!

- Ташвишингиз ортиқча... Ие, ўзлари ҳам йўталяптилар-у, нафас йўллари шамоллаган. Ҳозир зўр дорилардан олиб чиқаман.

- Йўқ, овора бўлманг, мен соппа-соғман. Умуман дорининг номини эшитсам лабимга учуқ тошиб кетади.

- Ана, айтмовдимми, қаерингиздир касал деб. Биродарим, Носиржон, ҳеч замонда соппасоғ одамнинг ҳам лабига учуқ тошадими? Мен ҳозир...

У зимбиллаб бошқа хонага чиқиб кетди. Камина у дўхтирми - табиблигини билолмай қолдим ва агар, ҳаммага ҳам шундай меҳр кўрсатиб, елиб хизмат қилса, демак, ғоят савобталаб киши бўлса керак, деб ўйладим. Ана, эшик ҳам очилди, катта картон қутичани кўтариб оғининг таноби қочган Даврон ака кўринди.

- Мана, биродар, йўтал дориси ёки дейсизми, юрак, ўпка, буйрак дориси дейсизми, ҳаммасидан бор. Булар импорт, камёб дорилар. Кейинроқ керак бўлиб қолади. Сақлаганингиз учун ҳеч ким сизга жарима солмайди-ку. Ҳа, айтмоқчи каминаи камтарин доим қўйин-қўнжида тўлдириб дори олиб юраман. Эҳтиёткор одамман-да - беҳосдан кўзим учса ҳам, қулоғим қимирласа ҳам дарров доридан ютиб оламан.

- Кечирасиз, Даврон ака, ҳаммага ҳам шундай меҳрибонлик қиласизми ёки кўнглингиз тусаган кишиларгами?

- Олам тўла фаришта - ҳаммаси ҳам ҳар ишда, деган нақлни эшитганмисиз? Ўлманг, бу мақол дунёда яхшилар кўп-у, лекин яхшилик қилишга вақтлари етишмайди, деган маънони билдиради. Биз эса бир амаллаб вақт топишни биламиз. Мақсадимиз одамларнинг ҳожатини чиқариш. Яқинда хусусий дори дўкони очмоқчиман. Бу ҳам ишбилармонлик-да!

- Хў-ўш, ҳисобли дўст айрилмас, буларга қанча тўлашим керак?

- Сиздан томизғига қатиқ деганларидек, ўнта берсангиз бўлади.

- Ўнта... Ўнта юзталикми?

- Мингталик... Ахир, ҳаммаси импорт дорилар - четдан олтинга сотиб олинади...

Шундагина янги қўшнимнинг "ҳақиқий фаришта"лигига ишондим. Ўзига ярашмаган кўкиш кўйлаги назаримда пенталь-гинга, афти-ангори эса анальгинга ўхшаб кетди. Ҳойнаҳой, сизга ҳам доридармон керак бўлса, марҳамат, у ишлайдиган манзилгоҳ: шаҳардаги энг катта дори омбори ёки келгусида "Даврондори" тижорат дўкони...

Уста НАБИ.



Х. Содиқов чизган.

«Маҳалла муруввати» таклиф этади

«Маҳалла» жамғармаси қошидаги «Маҳалла муруввати» корхонаси болалар спорт кийимлари тайёрлаб сотади.

Тел: 188-20-39, 136-37-66, 139-05-43

Обод маҳалла йилида *газетамизга обуна бўлишни унутманг!*

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Серташвиш кунлар ортда қолиб, келаси чоршанбагача хотиржамлик сизни тарк этмайди. Ижодий фаолиятингиз авж олади.

СИГИР(22.0420.05)
Ким нима деса десину, сиз яқин уч-тўрт кунингизни дам олишга, ҳордиқ чиқаришга бағишланг. Сизни тинч қўйишларига эришинг.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)
Шу кунларда сиздан ёрдам сўровчилар жуда беҳисоб. Албатта ҳаммага ёрдам бериш имконини топа олмайсиз, шунинг учун ортиқча сиқилманг.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Айни кунларда сиздан муҳим ҳужжатни имзолашда шошилишингизни талаб этадилар. Бундайларга муносиб жавоб топа оларсиз..

АРСЛОН (23.07-22.08)
Кўнглингизга яқин кишидан озор топишингиз мумкин. Кўпам қайғурманг, сиздан бундай қўполлик учун албатта узр сўрайдилар.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Баҳорий кайфият туфайли сиз ҳар ишда илғор, кўпчилик ичида қувноқсиз. Ҳатто атрофингиздагиларга кўтаринкилик улашишга ҳам имконингиз етарли.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Янги ишга таклиф қилишлари мумкин. Сиз эса бу таклифга дарҳол жавоб беришга шошилманг. Айни дамда умуман ишсиз бўлмасангиз албатта.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Сиз эса соғлиғингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг, имкон топсангиз бир нечта яқинингиз билан шаҳар ташқарисига сайлга чиқинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Шу кунларда оила аъзоларингиз, айниқса, ота-онангиз билан мулойим бўлинг. Хушмуомалалигингиз уларнинг сизга нисбатан меҳрини янада оширади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Нима учундир ишларингиз юришмай турибди, аммо молиявий жиҳатдан қийинчилик палласи бошланди. Вазиятдан чиқиш фақат ўзингизга боғлиқ.

КОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда сизнинг суҳбатингиздан баҳраманд бўлувчилар кўпчиликни ташкил этади. Меҳмонга таклиф қилсалар, рад этманг, ташриф учун бирор имкон излаб кўринг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Молиявий аҳволингиз ҳавас қилса арзигулик. Лекин бундан завқланиб ортиқча сарф-ҳаражат қилишингиз мумкин. Агар шундай қилсангиз, кейин афсус чекасиз.

«Чилонзор» метроси яқинидаги 2хонали уй сотилади. Тел: 117-16-31; 42-50-46.

Фахриддинова Санобар Низомовна номига 1993 йил 2 февралда 10-02/6202 рақами билан берилган квартира эгалиги ҳуқуқи ҳақидаги давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъна-берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Сахифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25, Масъул котиб: 136-53-75, Хатлар бўлими: 136-57-62.

7692 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-384 Топширилди—21.00